



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “30” aprel

Қ-329 -son

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани “Т.Шобуров” массиви
“Гулистон” маҳалласи ҳудудидан
“UBAYDULLO НАМКОР БАРАКА”
оилавий корхонасига “Иссиқхона” қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 26 апрелдаги 05-02/315-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 01 апрелдаги 01-05/117-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Жарқўрғон тумани “Т.Шобуров” массиви “Гулистон” маҳалласи ҳудудидан “UBAYDULLO НАМКОР БАРАКА” оилавий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан кишлоқ хўжалик харитасининг 656-дала контуридаги жами 1,0 гектар яйлов ер майдони енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “UBAYDULLO НАМКОР БАРАКА” оилавий корхонаси бошлиғи Ф.Бегимқуловга:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов